*Обуна—96*

## МИЛЛАТНИНГ КЕЛАЖАГИ

Мен «Туркистон» (собиқ «Ёш Ленинчи»ни) ўқувчилигимдан — яъни бундан ўн беш йиллар илгари илк бор ўқиган эдим. У шундан бери менинг қадрдоним, ҳамфикрим ва маслаҳатдошимдир. Ўқитувчиликни бошлаганимда у менга энг яқин ҳамфикр бўлди десам, адашмайман. Ўрта мактабда она тили ва адабиёти фанидан дарс берганлигим учун ҳам дарс жараёнида газетам саҳифаларида чоп этилган яхши мақолалардан жуда кўп фойдаланганман. Лекин кейинги пайтларда газета саҳифаларида мактабларни миллийлаштириш, мактаб ҳаётига эътибор бироз сусайгандек, назаримда. Чунки «миллатнинг келажаги, мактабдан бошланади» деган фикрни бошлаб туркистончилар кўтариб чиққан эдилар. Шундай экан, истардимки, «Туркистон»нинг ижодий ходимлари юқоридаги масалаларга алоҳида эътибор қаратсалар. Мактаб ва миллийлик унинг асосий мавзуларидан бирига айланса, айни муддао бўларди.

**Шоира АВАЗОВА,**
**Навоий вилояти Хатирчи туманидаги 18-ўрта мактаб она тили ва адабиёти фани ўқитувчиси.**

## УМИДИМИЗ КАТТА

Менинг назаримда матбуот халқни тўғри йўлга солиб тургувчи, кўзини очгувчи, эгри йўлдан қайтаргувчи воситадир. Бу борада «Туркистон» ўз вазифасини жуда чиройли уддалаб келаётган десак адашмаймиз. Лекин нима учун «эди» деб ўтган замон феълида таъкидлаётганимни таҳририят ходимлари тўғри тушунаётган бўлсалар керак деб ўйлайман. Чунки, кейинги пайтларда газета саҳифаларида чоп этилаётган материаллар орасида суд очерклари камайиб кетди. Кимлардир «ҳа, бўлган иш бўлибди, энди уни ёзгандан нима фойда», деб ўйлашар. Бу хато фикр. Чунки, бундай мақолалар газетада чоп этилгач, уни ўқиган ўн кишидан ҳеч бўлмаса бир киши жиноят йўлидан қайтади. Бу йўлнинг охири вой эканлигини англаб етади... Туркистончиларимиздан умидимиз катта. Ўйлаймизки, муштарийларнинг талаб ва истакларини инобатга оладилар.

**Дониёр ОРТИҚОВ,**
**Тошкент.**

## ЭНГ СЕВИМЛИ ГАЗЕТАМ

1995 йили жамоамиз аъзоларидан 15 нафари энг севимли газета «Туркистон» рўзномасига обуна бўлишган эди. Биз ундаги турли, қизиқарли мақолаларни йил давомида ўқиб бордик. Демак, бу газетага обуна бўлиб янглишмаган эканмиз. Айниқса, «Кўнгил мулки», «Ўн саккизга кирмаган ким бор?» ва бошқа саҳифалардаги ранг-баранг, муаммоли мақолалар ўнлаб ҳамкасбларимизнинг баҳсларига сабаб бўлди.

Газета — журналлар бизга доимий ҳамроҳ, ишлаб чиқаришни ривожлантиришда яқин ёрдамчи ролини ўтаётир. Нормурод Шомуродов, Холмурод Абдуҳалилов, Қурбон Қодиров, Қўлдош Мустапов, Файзи Умбаров, Қулсоат Холмуродов сингари ҳамкасбларим бу йил ҳам севимли «Туркистон» газетасига обуна бўлишди.

Мен нафақат бу йил, балки ҳар йили шу газетага ёзиламан. Умид қиламизки, таҳририят журналистлари 1996 йилда ҳам бизни қизиқарли хабар, материаллар билан хушнуд этадилар.

**Турсунпўлат САЛОҲИДДИНОВ,**
**Сурхондарё вилоятидаги Хўжаикон туз кони директори.**

## Дил сўзи

Азиз «Туркистон» газетаси!

Мени танияпсанми? Мен сени севган ва сенга суянган мухлисингман. Сен менинг ҳамфикр ва ҳаммаслак сирдошимсан. Бу менинг сенга йўллаётган илк мактубим эмас. Дил изтиробларига тўла биринчи мактубимни сенга юрагим ғамга, қароғим намга тўлган кунларнинг бирида йўллаган эдим. Ўшанда сенинг саҳифанг орқали азиз муштарийлар менга беғараз маслаҳатлар беришмаганда балки бугунгидай бахти бутун аёл бўлмасмидим. Сен менга ҳаётнинг сўқмоқларидан сабр-тоқат билан ўтган одамгина равон йўлга чиқа олишини, тундан ўтмай тонгни қаршилаб бўлмаслигини уқтира олдинг.

Ўғил-қизларим ҳовлини тўлдириб, қийқиришиб ўйнашаётганда, ишдан чарчаб келаётган оталарига пешвоз чопишаётганда, уйимизда тўй-томошалар яхши кунларга уланганида сени эслайман.

Сен мен учун ҳаммадан ҳам қадрлироқсан. Шунинг учун бўлса керак, бир муддат киоскаларда кўринмай қолганингда сени севгувчи мухлис сифатида ниҳоятда ташвишландим.

Мана, яна сенинг навбатдаги нашрингни қўлимга олиб жуда севиндим. Истагим, энди ҳеч қачон иқтисодий қийинчиликлар йўлингга ғов бўлмасин. Сен эса ҳаётнинг ёшлар англаб етмаган қирраларини очиб, уларнинг маънавиятини янада бойитиб, гўзаллаштириб боравер.

**Эҳтиром билан Холида НУРЛИБОЕВА,**
**Бухоро вилояти Шофиркон тумани.**



*Суратдаги қиз Мавлуда Болтабоева — Риштон туманидаги тўқимачилик фабрикасининг илғор ишчиларидан. У 16 та тўқув дастгоҳида иш юритиб, сифатли маҳсулотлар тайёрламоқда*

*Суратда: Мавлудахон Болтабоева иш устида.*

## ТУРКИСТОННИ КИМ СЕВСА, «ТУРКИСТОН»ГА ОБУНА БЎЛАДИ

ОБУНА НАРХИ

*Республика вилоятларида ва Қорақалпоғистонда*

*Якка тартибдаги обуначилар учун:*

Нашр индекси — 64607
6 ойга — 424 сўм 80 тийин
12 ойга — 849 сўм 60 тийин

Ташкилотлар учун:

Нашр индекси — 64633
6 ойга — 528 сўм 90 тийин
12 ойга — 1057 сўм 80 тийин

ТОШКЕНТ ШАҲРИДА

*Якка тартибдаги обуначилар учун:*

6 ойга — 380 сўм
12 ойга — 720 сўм

Якка тартибдаги обуначилар обунани абонент қутиларига расмийлаштирган ҳолларда:

6 ойга — 324 сўм
12 ойга — 648 сўм

Ташкилотлар учун:

6 ойга 530 сўм
12 ойга — 1058 сўм

Ташкилотлар обунани абонент қутиларига расмийлаштирган ҳолларда:

6 ойга — 474 сўм
12 ойга — 948 сўм

Нашрларни тарқатиш билан боғлиқ бўлган харажатлар республика вилоятларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасида Тошкент шаҳрига қараганда бирмунча қимматроқ бўлганлиги туфайли (ҳаво йўллари, темир йўл ва автотранспорт харажатлари ҳисобига) пойтахт шаҳрида нашрларнинг обуна нархи алоҳида кўрсатилган.

ОБУНА БЎЛИШГА ШОШИЛИНГ!

# МУШТАРИЙ – «ТУРКИСТОН» – МУШТАРИЙ

*Ранг-баранг олам*

### АМЕРИКАЧА КОМЕНДАНТЛИК СОАТИ

КОМЕНДАНТЛИК соати нима эканлигини барчамиз яхши биламиз — фильмларда кўрганмиз, ахборотларда эшитганмиз, матбуотда ўқиганмиз. Аммо бунақаси... Американинг Гилрой даб аталувчи шаҳрида (Калифорния штати) ўсмирлар ўртасидаги жиноятчиликка қарши муваффақиятли курашиш мақсадида 18 ёшга тўлмаган йигит-қизлар учун кеч соат 23.00 дан кейин комендантлик соати жорий этилган. Бу тартибга риоя қилмаганлар махсус марказга келтирилади, жазо сифатида... телевизор кўриш маън этилади. Фақат бугина эмас. Қоидабузарларни классик музикаларни тинглашга ҳам мажбур қилинади.

### ҲАЗИЛ ЭМАС, ЗАРУРАТ

АЙТИШЛАРИЧА, Куба раҳбари Фидель Кастро собиқ СССРга биринчи келишида мухбирларнинг «бу ерда сизга нималар ёқмади?» деган саволига у «жамоат ҳожатхонасининг камлиги», деб жавоб қилган экан. У ҳазиллашганми ёки жиддий айтганмиди, аммо ҳар қалай, бу масалада Хитойни айблаш қийин. Яқинда сайёҳлар кўп ташриф буюрадиган Пекин атрофидаги зиёратгоҳда шу мақсадларда яна 40 та ўта замонавий кабиналар пайдо бўлди. Маҳаллий ҳокимият бу воқеани ўзларича баҳолаб, зиёратгоҳга келувчилар сони янада кўпайишига умид билдирдилар.

Дарвоқе, бу муаммо Пекиннинг ўзида ҳам муваффақиятли ҳал қилинган. Бу ерда 57 минг жамоат ҳожатхонаси мавжуд бўлиб, дунёдаги ҳеч бир пойтахт бундай кўрсаткич билан мақтанолмайди.

### ПРОБИРКАДАН... ТУШГАН ЧАҚАЛОҚ

ТУҒИЛАЖАК бу чақалоқни нафақат унинг онаси, балки бутун Гомел шаҳри аҳолиси айниқса маҳаллий тиббий-генетик маркази шифокорлари орзиқиб кутишганди. Чунки бола эмбриони улар томонидан етиштирилиб, сўнг кўмак сўраб мурожаат қилган аёлга кўчириб ўтказилган эди.

Ҳомиладорлик ҳеч бир асоратсиз ўтди. Аёл ҳам эсон-омон қутилиб олди. Мутахассисларнинг фикрича, 4 килолик паҳлавон ўзини яхши ҳис қилмоқда.

*Ислоҳот одимлари*

# ОМАД СЕНГА, «ЗИЛОЛА»

Юртбошимизнинг иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштириш ва мустақил давлатимизнинг дунё миқёсидаги нуфузини янада ошириб, халқ фаровонлигини таъминлаш юзасидан чиқарган фармонларини ўз ишининг дастуриламали деб билган жамоалар Қизилтепа туманида анчагина. Шулардан бири «Зилола» фирмасидир.

Туман аҳолига маиший хизмат кўрсатиш корхонаси 1993 йил октябрь ойида хусусийлаштирилиб, «Зилола» номини олганди. Шу вақтга қадар бу ерда атиги 60 нафар ишчи меҳнат қилиб, уларга иш шароити талаб даражасида эмасди. Кадрларнинг танланиб, жой-жойига қўйилиши, интизомнинг мустаҳкамланиши, қўнимсизликка барҳам берилиши натижасида жамоа корхонасида ижобий ўзгаришлар рўй берди. Корхона раҳбари — туман кенгашининг депутати Рустам Саломов ташаббуси, елиб-югуриши билан тез орада «Зилола»нинг довруғи нафақат вилоят, балки республика миқёсида тарқалди.

Хўш, бу шуҳратга қандай эришилди?

Энг аввало жамоа корхонасида ишлайдиганларга етарли меҳнат шарт-шароитлари яратилди. Қатор йиллар давомида битта ҳам дам олиш хонаси бўлмаган корхона хордиқ чиқариш масканларига эга бўлди. Цехларда кичик ошхоналар қишда иситадиган, ёзда совутадиган тармоқлар ҳам ишга туширилди. Иш икки сменада ташкил қилингач, фаоллик янада кучайди. Хом ашё ташиб келтириш кўпайди. «Ўтирган бўйра, юрган дарё» деган мақолга амал қилиниб, Республикадаги «Ўзсавдошартнома» ҳиссадорлик жамияти, Вобкент, Бухоро, Тошкент тўқимачилик корхоналари билан ҳамкорлик кун сайин мустаҳкамланиб бораяпти. Натижада маҳсулот ишлаб чиқариш кўлами ортди, сифати яхшиланди. Жамоада айни пайтда 17 турдаги халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқариляпти. Авваллари фақат аҳолидан маълум миқдордаги буюртмаларни қабул қилган «Дилором» тикувчилик цехининг махсулотлари ҳар ойнинг шанба кунлари ўтказиладиган савдо ярмаркаларига чиқариб сотилаётгани қувончлидир.

Эндиликда корхона тайёрлаган махсулотлар нафақат туман, вилоят, республика, балки чет мамлакатларда ҳам харидоргир. Масалан, Россиянинг ўнлаб шаҳарларида «Зилола» чеварлари тиккан пахтали камзуллар катта иштиёқ билан харид қилинмоқда.

— Корхонамиз муввафақиятларига Марҳабо Расулова, Шоира Тайлоқова, Асила Жалилова, Шаъбон Одинаева, Зулфия Обидова, Нигора Жўраева, Зилола Ражабова, Анора Жўраева сингари ўнлаб фидойи тикувчи, бичувчи илғор ёшларимизнинг ҳиссаси катта, — дейди биз билан суҳбатда кадрлар бўлими бошлиғи Ражабова. — Қувончли томони шундаки, корхонамизга ишга киришни ҳоҳловчилар кўпаймоқда. Ўртача иш хақи 723 сўмни ташкил этади, ғайратли, тажрибали ишчиларимиз эса 2-2,5 минг сўмгача маош олишади.

Корхона маъмурият ишчиларни ижтимоий жихатдан ҳимоялашга эътиборни кучайтирган. Улар ҳар йили 50 ишчига маошдан ташқари моддий ёрдам кўрсатишяпти. Арзон нархда гўшт, буғдой тарқатиляпти. Жамоа аъзолари тўй-томошаларига транспорт воситалари бепул берилади. Яхши ишлаган, интизомли ва ташаббускорларга 500 сўмдан мукофот пули ҳам жорий этилган.



«Зилола» жамоа корхонаси саноатчилар орасида биринчилардан бўлиб ҳомийлик кўрсатиш ташаббусини бошлаганлардан. У ҳозиргача Қизилтепа шаҳрида истиқомат қилаётган кам таъминотли оилаларнинг 14 нафар фарзандини суннат тўйига маблағ ажратди. Ўз оталиқларидаги Абу Али Ибн Сино номли, Ойбек номли мактабларда мучал тўйларини нишонлашга ҳисса қўшди. Шу билим даргоҳларидаги 15 нафар аълочи ва жамоатчи ўқувчига ҳар ойда 20 сўмдан стипендия тўлаб боряпти. Корхона ўз ҳомийлигидаги мактабларнинг 4 та синфини жорий таъмирлашни доимий равишда зиммасига олган.

Бозор иқтисодиёти шароитларини ҳисобга олган корхона жамоаси 30 нафар ўқувчини «Ғунча», «Гулхан» журналлари, «Тонг юлдузи», «Туркистон» газеталарига обуна қилишни ўз зиммасига олган. Бундан ташқари, «Соғлом авлод учун», «Маҳалла» хайрия жамғармаларига ҳам имкон қадар пул ўтказиб турилибди.

Жамоанинг келгуси режалари ҳам катта. Корхонанинг юқори қисмидаги кенг майдонликда нон, қандолат маҳсулотлари, қурилиш материаллари, юмшоқ сочиқ тайёрлайдиган цехлар қуриш мўлжалланган. Бу эса тўкин-сочинликни таъминлаш билан бирга кўплаб фуқароларни ишга жалб қилишга имкон яратади.

**Баҳодир ЭГАМОВ,**
**Эркин МАВЛОНОВ.**



*Иқтидорли меъмор, Улуғбек номидаги республика истеъдодли ёшларни қўллаб-қувватлаш жамғармаси кўрик-танловининг ғолиби, Самарқанд Давлат меъморчилик ва қурилиш институти ўқитувчиси Дилшод Мирзаевнинг кўнгилдан кечганлари.*

# «ЧЎПОНОТАДАН КЎЗИМНИ ЮМИБ ЎТАМАН»

— Неча ёшдан чиза бошлаганимни эслолмайман. Лекин ҳамма ёш болалар одамнинг расмини чизишга ҳаракат қилса, менга уй, мактаб, ҳар хил биноларни, ҳар хил манзараларни чизиш ёқарди. Қишлоғимизда кимдир янги уй қура бошласа, пойдеворини кўрибоқ, уйнинг қанақа бўлишини чизиб берардим. Шунинг учун бўлса керак, ёшлигимдаёқ қишлоқда «архитектор» деган ном олгандим.

Меъморчилик институтига ўқишга қабул қилинганимда қанчалик қувонганларим ҳануз ёдимда. Касбимдан шунинг учун ҳам мамнунманки, меҳнатларнинг изсиз кетмаганлигини кўриб турасан. Шаҳар ва қишлоқлар ҳуснига ҳусн бўлиб турган бинолар, одамларга фойдаси тегаётган иншоотларни кўриб, кишилар сенинг номингни тилга олишади. Шунинг ўзи катта шараф. Мен бу бахтнинг лаззатини илгари сезмаган эканман. Ургутда қурилган телеминора лойиҳаси танловида биринчиликни олганда ҳам, кейин истеъдодли ёшлар танловида ғолиб бўлганимдан ҳам. Фақаттина телеминора қад кўтарганда буни ҳис қилдим.

Ўша куни телеминоранинг очилиш маросими бўлди. Тумонат одам йиғилди. Мен бир четда турувдим. Тақишдан уялибми, ғолиблик нишонини чўнтагимга солиб қўювдим. Мени таништиришди, нишонни кўкрагимга тақиб қўйишди ва раҳматлар айтишди. Ва отам ўша ерда кўзида ёш билан бағрига босди.

— Сендан розиман, барака топ, болам, — дедилар.

Ҳолатимни сўз билан таърифлаб бериш қийин эди. Ўша бахтиёр лаҳзаларни бир умр унутолмасам керак.

Ургутдаги мўъжаз чойхона, қурилиши тугай деб қолган меҳмонхона, Челак туманидаги Имом ал-Бухорий зиёратгоҳида қурилиши бошланган «Қизлар масжиди», қишлоқларда қад ростлаётган бозорлар, Жомбой, Булунғир туманларида ишлаётган савдо расталари меҳнатларимнинг бекорга кетмаганлигини кўрсатиб турибди.

Бу дунёда ҳамманинг ҳам армони, шу билан бирга орзу-умидлари бўлса керак. Чўпонотада катта бир иншоот қурилиши, унинг Самарқанднинг рамзи, безаги ва келажакда гавжум масканга айланиши ҳақида танлов шартларини эшитиб, неча-неча кунлар хаёл сурдим. Беш олти марта иншоот қурилиши лозим бўлган жой — Чўпонотага, унинг энг баланд жойига бориб, Самарқандни томоша қилганман, ўйга чўмиб неча кунни кеч қилганман. Шууримда тасаввур қилдим: катта йўлдан зинапоялар бошланган, икки тараф дарахтзор, озгина тепага юрилгач, очиқ ҳаводаги теннис кортлари, сал юқорида савдо расталари, зиналардан кетаверасиз... чойхона... энг баландликдан бутун шаҳар кўриниб туради. Орқа томонда Зарафшон дарёси. Худди мана шу ерда уч қаватли баланд бино: биринчи қавати музей, иккинчи қавати ресторан ресторан Останкино телеминорасидаги каби айланиб туради. Учинчи қавати катта томоша айвони. Ундан ҳам юқорида доимо ёниб турувчи Самарқанд маёғи худди узоқ-узоқлардан Самарқанд қаердалигини кўрсатиб тургандек... Энг юқорида эса Ҳумо қуши. Бу бино гўзал шаҳримизга меҳмон бўлиб келаётганларга узоқ-узоқлардан кўриниб туради.

Тасаввурларимни курсдош дўстим Бахтиёр Даминовга айтдим. Иккаламиз маслаҳатлашиб бир макет ясадик. Кейин Чўпонотанинг расмини катталаштириб, маълум жойга макет кўринишини жойлаштирдик. Қарабсизки, худди ўша нарса қурилгандек гўзал бир манзара намоён бўлди.

Конкурсда қатнашдик. Биз ясаган макетни энг зўр ва... энг қиммат деб баҳолашди. Уни қуриш учун кетадиган маблағни берадиган мард ҳомий топилмади. Орзу орзулигича қолиб кетди. Бошқа... арзонроқ лойиҳани танлашди. Ва уни қуришди ҳам.

Бир-икки ой аввал институтимизга кутилмаганда бир қиз келди. Билсак, у Япониядан экан. Ўша ёқда «Номаълум архитекторлар» деган китоб тайёрланаётган бўлиб, ўша қиз материал йиғиб юрган экан. Кўп қатори мен ҳам бир-иккита ишларимнинг суратларини, макетларини бериб юбордим. Яқинда Япониядан телеграмма келди. Таржимаи ҳолимни, суратимни сўрашибди. Юбордим. Ҳали макетларим японларга маъқул келиб қолса-я деган ички бир иштиёқ билан юрибман.

Барибир дилимда бир армон қолди. Шунинг учун ҳар гал Чўпонотадан ўтганимда кўзимни юмиб оламан. Мен унинг ўзим тайёрлаган макетдаги кўринишини кўргим келаверади, келаверади.

**Садриддин НАБИЕВ,**
**Гули ЧЕҲРА ёзиб олди.**

# АРАФАСИ

Айрим шеърлар типратиконга ўхшайди, «тутиб кўрмоқчи» бўлсанг, қўлингга нинаси санчилади. Масалан, Сафар Оллоёрнинг «қ» товуши товланишларидан тизилган шеъри шундай. Шеър сунъий равишда чўзилган. Шоир «қ» товуши билан бошланувчи сўзларни ёқасидан тутиб, зўрлаб сафга тиркаб қўяверган. Сўзларнинг қисилиб, нафаси қайтиб қолаётганини сезмайди. Бу фикрларимиз Сафар Оллоёрнинг бошқа шеърларига тегишли эмас. Унинг қаторшеърлари иштирокчиларнинг ижобий баҳосига сазовор бўлди.

Мухтасар Тошмаматованинг: «Қизлар билган тол ковагига, Йигитлар хат қўйиб кетади», — каби дилбар сатрлари шоиранинг келажагига умид билан қарашга асос беради.

Семинар-кенгаш иштирокчиларидан Нодир Жонузоқнинг шеърлари жўшқинлиги, эҳтироснинг баландлиги билан ажралиб туради. Нодир «Занжир» сарлавҳали шеърида занжир тасвирини ҳам шаклда — шеър VI қисм, олти ҳалқа — бир бутун занжирдан иборат; ҳам мазмунда — «Тошкент-Олмаота-Ашхобод-Бишкек-Анқара» занжири... Шаҳар номларининг ҳар бири занжир ҳалқаларининг номидир. Нодирнинг яна бир сатри диққатни тортади: «Юрагимиз-қонли савашгоҳ...»

Танишганимиз талай шеърларда сўз билан ишлашга интилишни сезмаган эдик. Нодирда шундай ҳаракат бор. Унинг «савашгоҳ» дейиши бир талай кенг истеъмолда бўлган сўзлар, товушлар орасида алоҳида жаранглайди.

Бу семинар-кенгашда ўқилган шеърлар илгариги шундай анжуманларда ўқилган шеърлардан нимаси билан фарқ қилади? Илгари мушоираларда қандайдир жанговор, чорловчи шеърлар ўқиларди. Бугунги шеърларда шунақа жанговарлик йўқ, чорловчи, ундовчи руҳ йўқ. Бугуннинг шоири ўз қалбини таҳлил ва тадқиқ этади. Ўз кўнгли билан ёлғиз қолиб йиғлайди. Бугунги шеърлар кўпроқ йиғини эслатади. Табиийки, йиғлаётган одамга қарсак чалиб бўлмайди.

Бугунги шеърнинг хос хусусиятларидан яна бири шуки, ижтимоий сўз айтишга эмас, балки сўзнинг ижтимоий табиатини, кайфиятнинг ижтимоий нур ва сояларини кашф этишга уринилмоқда. Семинар-кенгашда иштирок этган ёш шоирлар ижодида турли-туман шаклий тажрибалар, мантиқий экспериментлар озлигини эътироф этган ҳолда, Бектемир Пирнафасов кайфиятнинг ижтимоий маъносини очиб берган қуйидаги сатрлари билан ўз мулоҳазаларимизга якун ясамоқчимиз:

Майсаларга кўнглимни бериб,

Кетиб бормоқдаман индамайгина....

**Салим АШУР.**

*Мушоира этади давом*

## ГУЛ

Гулга ҳеч қачон яхши бўлмаган
Шайдоларин ёмон кўрар гул

Орзулари номукаммал минглаб қўллар
Узатилгандир гулга

Гулнинг тиканга айлангиси келар
Бир телба қўлида сўлгандан кўра.

***

Кимга керак лат еган гаплар
Дунёнинг дардлари қийнамас энди
Шундай СЎЗ бўлса
Ҳаводек бўлса
Ё бир ишора бўлса

Турғазса мени
Мен шундай Сўзни кутаман
Ва шундай кўзни кутаман

Ё ўлдирса,
Ё тирилтирса!

**Даврон РАЖАБ.**
**Хоразм.**

## СУРАТЛАР

Умр бир ип, узун қисқароқ,
Осилади ҳар кунги киринг.
Кимдир осар уни баландроқ,
Пастга осар яшириб кимдир.
Зўр сураткаш бўлса гар дейман,
Туширсайди ҳар кунгисини.
Кўрар эдик, ким қандай ювган,
Кимлар асло юволмаслигин.
Мен барчасин сервантга тахлаб,
Энг каттасин осиб деворга.
«Ҳар бириси бир давр талаб», —
Деб баҳона топмасдим дорга.

**Баҳодир ХУДОЙБЕРГАН.**
**Тошкент.**

## ИШҚ

Беллари дарз еган тоғларнинг
Оёғи кўмилган тупроққа.
Кўзлари ўйилган, ғорликлар,
Умрнинг тоши

Бепоён кенгликлар — муҳаббат.
Харсанглар, барханлар ҳукмдор.
Қайдадир кўринар саксовул
Туянинг йўлдоши.

Тун чоғи шамчироқ — ойммома,
Бу сенинг, бу менинг юлдузим,
Қўл берар уларга абадий
Севгимнинг қуёши.

**Уста Очил ҲАЗРАТ.**

*Талабалик — олтин даврим*

# ЁШЛИК УМР БАҲОРИ



● «Ёшликда йиғтил»...

● Ўзбекистон Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасида талабалар кунига бағишлаб катта йиғин ва бошқа тадбирлар ўтказилди.

● 1 миллиард китоб...

Ноябрь ойида ажойиб байрам бор. Бу Халқаро талабалар кунидир. Кўпчилик талабаликни олтинга менгзайди. Тўғримикан? Бир томондан тўғри дегим келади... Лекин, барибир талабалик онларини олтин дейиш ёки олтиндек яраклатиб ўтказишга ҳаракат қилиш нотўғрига ўхшайди. Чунки, буюк бобомиз Алишер Навоий айтадиларки: «Ёшликда йиғтил илмнинг мағзини, қарилик чоғида сочгайсан ани».

Хуллас калом ана шу олтин даврни қайси томондан олтинга айлантириш керак эканлигини ўйлаб кўрадиган вақт келди.

Ўзбекистон Республикаси Ёшлар Иттифоқи Марказий Қўмитасида Талабалар кунига бағишланиб республика Олий ўқув юртлари ректор-муовинлари ҳамда шу олий ўқув юртларидаги Ёшлар Иттифоқи ташкилотларининг котиблари ва Ёшлар Иттифоқи вилоят, туман котиблари иштирокида йиғилиш бўлди.

Йиғилишда Ўзбекистон Республикаси ЁИ Марказий Қўмитаси биринчи котиби Алишер Тешабоев сўзга чиқиб, халқаро Талабалар куни билан барчани табриклади. Шундан сўнг Тошкент Ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаштириш институти ЁИ котиби Парда Абдураимов, Тошкент физкультура ва жисмоний тарбия олийгоҳи ЁИ котиби Саидакбар Туробов, Фарғона Давлат университети ЁИ котиби Улуғбек Солиҳов ва бошқалар сўзга чиқиб, бугунги муаммолар, талабалар олдидаги вазифалар, ЁИнинг қандай ишлаши кераклиги каби бир қанча мунозарали масалаларга тўхталдилар. Айримлар ЁИнинг бошланғич ташкилотларида иш жуда яхши кетаётганлигини ўз ҳудудлари мисолида гапириб бердилар. Баъзилар эса нуқул мақтов гаплардан чекланиб, ижобий ишларни амалга ошириш вақти келганлиги, бунинг учун ойнаи жаҳонда ёшларга аталган махсус дастур очилишини, ёшларга бир қанча шароитлар яратилишини таъкидлаб ўтдилар.



Йиғилиш қатнашчиларининг бир қанчасига УзЁИ МҚ томонидан мақтов ёрлиқлари, биллур гулдонлар тақдим қилинди. УзЁИ МҚ қошида ташкил этилган «Амир Темур ўтган йўллар бўйлаб» илмий экспедицияси раҳбари Фахриддин Ашрафхўжаев ҳам фаоллик кўрса-



таётган талабаларга эсдалик совғалари ҳадя қилди.

Фурсатдан фойдаланиб, Тошкент темирйўл транспорти муҳандислари олийгоҳи тарбиявий ишлар бўйича ректори муовини Абдумалик Ризаев ҳамда шу олийгоҳ ЁИ котиби, IV-босқич толиби Марат Гаязов билан ҳамсуҳбат бўлдик.

— Олийгоҳимизда 1300 нафар талаба кундузги бўлимларда таълим оладилар, — дейди А. Ризаев. — Биринчи навбатда биз талабаларнинг шароитларини яхшилаш ниятида ётоқхоналарни таъмирлашга киришдик. Бундан ташқари ҳар куни кечқурун режа асосида мамлакатимизнинг ички ва ташқи сиёсати, Президентимизнинг китоблари, миллий анъаналаримиз борасида суҳбат ўтказмоқдамиз.

— Биз «Талабалик оқшомлари», «Қувноқлар ва зукколар», «Брингринг» каби ўйинларни яна тиклаш орзусидамиз, — дейди М. Гаязов.

— «Талабалик оқшомлари» дедингиз, бу шунчаки кўнгилхушлик эмасмикан? — савол берамиз М. Гаязовга.

— Гапингизда жон бор, бу хусусида менинг ҳам бир таклифимни муштарийларга етказсангиз. Иложи бўлса тезроқ замонавий компьютерларни ўргатадиган муаллимлар тайёрлаб, мактаблар қошида «Тезкор босқич» очиш лозим.

Токи, замонавий техникадан бохабар муаллимлар болаларни қисқа муддатларда компьютерлар билан қандай «муомала» қилишни ўргата олсин. Олийгоҳимизда эса замонавий техника сирлари қисман, баъзан эса талабаларнинг ўз саъй-ҳаракатлари билан ўрганилмоқда. Ҳолбуки, буни барча талабалар юрагида мажбурий масъулият билан ўрганмоғи шарт.

Йиғилишнинг яна бир қатнашчиси. **Республика ижодкор ёшлар «Истеъдод» жамғармаси раиси, Ўзбекистон халқ ёзувчиси Худойберди ТЎХТАБОЕВни** ҳам мулоқотга чорладик.



— Юртимизда 8700 та мактаб, 500 га яқин билим юртлари мавжуд. «Истеъдод» жамғармасининг туман марказларида, кейин вилоят марказларида ўқувчилар ўртасида беллашувлар ташкил қилинди. Беллашувдан асосий мақсад, болаларда Ватанга меҳр уйғотиш, қадимий анъаналарни ҳурматлашга ўргатиш, илмга чанқоқликка ундаш эди, — дейди ёзувчи Худойберди Тўхтабоев. — Айни пайтда республикамизда тахминан 40 мингта кутубхона бор. Уларда 1 миллиардга яқин китоб жамғармамиз мавжуд. Хўш, шу китоблар ўқиляптими? Тўғрисини айтиш керак, жуда кам ўқиляпти. Ахир, китоблар ҳам — келажак.

УзЁИ МҚ ташаббуси билан Тошкент Давлат дорилфунуни маданият саройида талабалар учун катта мусиқий дам олиш оқшоми намойиш қилинди. «Тошкент», «Юлдузлар», «Шаввозлар» гуруҳлари, «Садо» дастаси ҳамда УзЁИ МҚ қошидаги «Мутти» театри иштирокчилари талабаларга атаб куй-қўшиқ, ҳажвиялар ижро этиб, қутлуғ айём кунида талабаларнинг дилига хушнудлик бағишладилар.

Яна ўша савол тинчлик бермайди. Талабаликни нима учун олтин давр деймиз? Бемақсад ўйин-кулгилар, кайфу-сафо кўп бўлгандами? Ёки қийналиб, бутун фикру-зикри ўқиш бўлган пайтдами? Қайси бири олтин экан? Ҳар ҳолда айни кунларда ҳар бир талаба бу саволга ўзлари жавоб топгани маъқул. Бундоқ десак, бир қисмига, ундоқ десак, иккинчи қисмига маъқул тушмасов? Нима бўлганда ҳам шоиримиз Абдулла Ориповнинг қуйидаги сатрлари билан мақолага нуқта қўямиз:

**Магар келганда ҳам**
**қиёмат қойим,**
**Ёр бўлсин йигитга нияти доим.**
**Табаррук кексанинг гапин**
**эшитдим,**
**Бошинг тошдан бўлсин,**
**дерди илойим.**

**Тўлқин ЁРҚУЛОВ,**
**«Туркистон» мухбири.**

**Суратларда: Халқаро талабалар кунига бағишлаб ўтказилган анжумандан лавҳалар.**

**Суратлар муаллифи Муҳаммад АМИН.**

*Сабоқ*

# МАШРАБ ВА «МАБДАИ НУР»

*«Бизнинг ҳали яхши текширилмаган, тартибка кирмаган, ҳатто кераклик материаллари, маъхазлари тўпланмаган бир адабиёт тарихимиз бор»*

Абдурауф ФИТРАТ.

Қаландарлик ҳаракати IX асрда Туркистон ва Хуросонда дунёга келди. У маломатийликдан ўсиб чиққанди. О. Акимушкиннинг хулосага келишича, Қаландарликнинг ирфон тушунчасида буддиёна ёлкинланишларнинг таъсири бор. Асли қаландар бўлган Ҳожи Абдураҳимнинг (XVII аср) 1672 йили ёзилган «Рисолаи одоби тариқ» китобида қаландарликнинг 16 тамойили қуйидагича баён қилинган экан: 1) ҳаромни тарк этиш; 2) мантиққа суянувчи донишликдан воз кечиш; 3) инсонийлик сифатларидан юксалиб малакий хислатларга ўтмоқ; 4) неки лозим сезилса, ундан воз кечиш; 5) фосиқ кишилардан чекилиш; 6) безакли кийим киймаслик (бу — кибрдир — А. Ё.); 7) сўфийликни пеша қилмаслик; 8) бахилликдан воз кечиш; 9) миннатни тарк этиш; 10) мунофиқлик қилмаслик; 11) кибрни ташлаш; 12) моддий дунёга берилиб кўнгилни ўлдирмаслик; 13) мулкпараст бўлмаслик; 14) жаннатни орзу этмаслик; 15) борлиқ ҳавасига тушмаслик; 16) эзгуликка интилиш.

Бу маслак Туркистон тасаввуфининг ўзига хос хусусиятларидан биридир. Кейинчалик юртимизда кўп «Қаландархона»лар ҳам қурилган. Профессор Фитрат дейди: «Қаландарларнинг «ўз ораларида сўйлашга махсус сунъий тиллари ҳам бор, унга «абдол тили» дейилар... Қаландархоналар уларнинг доимий туриш жойларидир... Қаландархоналар шаҳар халқининг жума кунлари чиқиб ўлтирадурғон дам олиш, саёҳат жойлари эди». Қаландарлик маслаги Туркистон тасаввуфига фавқулодда бир ҳурфикрлиликни тақдим этди. Шу сабабли Нақшбандийлардан таълим олган Машраб устозларига қанчалик адаб сақламасин, барибир фикрда чуқур кетди. Натижада у Боязид, Мансур Ҳаллож, Румий, Кубро каби орифларга муҳаббат қўйди, «барчаси менда» деди. Тафаккур осмонида қуш бўлиб учди. Унинг туркий ва форсийда яратилган бутун шеърияти бунга далилдир. Машраб шеъриятини ўқиган киши албатта самовотга кўтарилади.

Менимча, Машрабнинг фаолиятини кузатишда Туркистон тасаввуфига хос бўлган қаландарликни эътибордан соқит қилмаган маъқул. Шу маънода Мажзуб Намангоний ва Фитрат (кейинчалик О. Шарафуддинов) Машраб дунёқарашидаги ҳурфикрлик манбасини қаландарликдан излаганларида ҳақ эдилар. Агарда Машраб бу маслакка суяниб тафаккурда ёлқинли даражага интилмаганида, Сўфи Оллоёрдек иккинчи бир зуҳдчи-нақшбандчи шоирга эга бўлиб қолар эдик. Офоқ Ҳожа айтганидек: «Машраб бизнинг шеримиздир» ва бунинг учун у ислом арконлари билан боғлаб турувчи Нақшбандийлик ақидаларидан юксалиш лозим эди. Машраб буни амалга оширди.

Яқинда «Фан» нашриёти Машрабга нисбат берилувчи «Мабдаи нур» номли асарни чоп этди. Бу асар анчадан буён баҳсга сабаб бўлиб келмоқда. В. Вяткин 1923 йили «ал-Александрия» мажмуасида эълон қилинган мақоласида, Машрабдаги эркин руҳ ва тарона услубни ҳисобга олиб «Мабдаи нур» Машрабники эмас, дейди. Бунга кейинчалик академик Ғафур Ғулом қўшилиб, асар Машрабнинг сабоқдоши Мулло Рўзибой Машраби Сонийникидир, дея жиддий фикр билдирган ва барча адабиётшуносларимиз буни маъқуллаб келишган. Бугунги кунда билимдон адабиётшуносларимиздан бири Исмоил Бекжон ҳам «Мендаги нусхада Машраби Соний номи бор», дейди.

Профессор Фитрат эса 1930 йили «Мабдаи нур»нинг 1912 йилги Бухоро тошбосма нусхаси ҳақида фикр юритиб, В. Вяткин фикрини рад этади. У асар ўзимизнинг Машрабники, дейди ва ушбу далилларни келтиради: а) «Мабдаи нур»нинг тили манқабадаги («Девонаи Машраб»даги — А. Ё.) шеърларнинг тили билан бирдир; б) Муфассал «Девонаи Машраб» китобида тўрт-беш парча маснавий борки, услуби ҳар жиҳатдан «Мабдаи нур» услубининг айнидир; в) Офоқ Ҳожа муридлари орасида Жалолиддин Румийнинг «Маснавий»сини ўзбекча шарҳлаб юришга айрича аҳамият берилган («Мабдаи нур»да Румий асарининг 3 жилдига шарҳ берилган — А. Ё.). Зотан, Жалолиддин Румийдан таъсирланган Машрабнинг ўз доирасининг талабига мувофиқ «Маснавий» шарҳи(ни) ёзиши қадар табиий нарса йўқдир. Шунга кўра иккала Машрабнинг бир одам эканига ҳеч кимнинг шубҳаси қолмаса керак.

Ниҳоят «Мабдаи нур»ни ҳозирги алифбомизда илк бор нашр эттирган Исматуллоҳ Абдуллоҳ домла бу асарни яна Машрабники, деди. Шу ўринда ўзбек филологик илми кучли бир услубшуносларга эҳтиёж сезмоқда. Чунки асарни услубий жиҳатдан ўрганишгина масалани ҳал қилади. Ўзимнинг шахсий фикрим шундай: мен ҳам Фитрат кабиларга эргашиб ҳозирча «Мабдаи нур»ни Машрабга нисбатан берилувчи асар, деб ҳисоблаб тураман.

Мен асарнинг ғоясига диққат қилиб, хулосага келдимки, у ўзимизнинг Машрабга (Бобораҳимга) тегишли.

Машраб «Мабдаи нур»дек асарни ёзишга маънавий эҳтиёж сезганди. У халқ маърифатни, ҳақни соғинган бир замонда яшаб ўтди.

**Мабдаи нур илоҳийдир бу Машрабни дили...**

Айтиш мумкинки, машрабшуносликда тараққий даври бошланди. Бу Машраб асарларини ҳақиқий ўзанига қараб таҳлил қилиш орқали амалга оширилади. Унутмаслигимиз лозимки, шоиримизнинг илк устози Мулло Бозор девона айтмишлар: «Ҳар ким Машрабға озор берса, ман ул кишидан озор топарман. Ҳаргиз анга дахл қилманглар...». Унинг асарини нотўғри талқин қилиш ҳам Машрабга озор етказиш ҳисобланади.

Абдумалик ЁҚУБОВ.

*Футбол*

## КУБОК — «НАВБАҲОР»ДА

Футбол бўйича мамлакат IV миллий чемпионати якунланганига кўп бўлмади. Чемпионат, чемпион ва совриндорлар хақидаги бахслар давом этаётган бир пайтда, мамлакат кубогининг эгаси ҳам аниқланди. Наманганнинг «Навбаҳор» футбол жамоаси кубок эгаси бўлди. Маълумки, «Навбаҳор» учинчи, унинг финалдаги рақиби МХСК эса иккинчи ўринлар билан бу йилги биринчиликни якунлашганди. Шунинг учун ҳам бу иккала совриндор жамоаларнинг Ўзбекистон кубоги учун финалдаги бахслари мухлислар ва мутахассисларда катта қизиқиш уйғотди.

«Пахтакор» марказий ўйингоҳида ҳар иккала жамоанинг мухлислари етарлича йиғилишди. Учрашувнинг биринчи бўлимида томошабинлар бироз зерикишди. Чиройли ўйинлар кўрсатиши керак бўлган футболчилар ҳам суст ҳаракат қилишарди. Танаффусгача дарбозалар дахлсиз қолди. Иккинчи бўлимнинг илк дақиқаларида Аликсей Винников киритган ягона тўп «Навбаҳор»га ғалаба келтирди. Шу ўринда А. Винниковнинг мавсум давомида чиройли ўйинлар кўрсатиб келганини таъкидлаб ўтиш керак.

«Навбаҳор» иккинчи бор Ўзбекистон кубогининг соҳиби бўлди. Энди «Навбаҳор» мамлакат чемпиони «Нефтчи» жамоаси билан суперкубок учун бахслашади. Мухлислар декабрь ойининг бошларида ана шу қизиқарли учрашувга гувоҳ бўладилар.

Н. МАҲМУДОВ.

**ЭЪЛОН**

Масъулияти чекланган «Туркистон ёшлари» жамияти келишилган нархда А-80 бензини СОТАДИ

**Тел.: 33-79-69, 36-58-48.**

*Газета саҳифаланаётганда:*

## ҒОЛИБ — ХАЛҚАРО МАКТАБ ЛИЦЕЙИ

Талабалар байрами муносабати билан пойтахтимиздаги «Ёшлик» ҳокимиятида лицейлар ўртасида мусобақа бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги миллий лицей интернати билан Тошкентдаги Халқаро мактаб лицейи ўқувчилари беллашдилар.

Тадбирда ҳакамлар раиси «Правда Востока» газетасининг Бош муҳаррири Р. Сафаров иккала командани қизғин табриклаб, мусобақани бошлаб берди. Ута қизиқарли ва мазмунли савол-жавобларга бой ўтган кечада ҳар иккила лицей ўқувчилари ўз билим, зукколикларини намойиш этишди. Албатта мусобақада кимгадир омад кулиб боқади. Кечада беллашувга пухта тайёргарлик кўрган халқаро мактаб лицей ўқувчилари юқори бал тўплашга эришиб ғолиблик бахтига мушарраф бўлишди. Узаро билимдонлик, зийраклик синови бўлган бундай беллашувлар албатта талабалар ҳаётида муҳим ўрин тутади.

**Баҳодир ШОИМОВ.**

*Кўз кўрмаган, қулоқ эшитмаган...*

## ХАЁЛИЙ ТЕГИРМОН СИРИ

Бу жумбоқли воқеа Сосново станциясидан унча олис бўлмаган жойда ёз ойида юз берди. Агар Алексей Ивановичнинг сўзларига ишонадиган бўлсак, бу ҳодиса мана бундай бўлган:

Волжанин конструкторлик бюроларидан бирида ишлайдиган икки ўртоғи билан жума куни кечқурун эски «Москвич» машинасига жойлашишади-да, балиқ овига равона бўлишади. Питердан Корелия бўйигача бор-йўғи бир неча соатлик йўл. У ерда эса «Вуокса» деган ягона ном билан аталувчи кўлларнинг бутун бир тизими бор. Зилол сув, мўл балиқ, гўзал табиат. Бир сўз билан айтганда, баликчилар учун жаннат макон.

Дўстлар бу ерни ўзлари учун очганларига анча бўлган, кун тартиби ҳам аниқ— кечқурун келиб, кўл бўйидаги гулхан ёнида ётиб қолишади-да, эрта тонгда балиқ овлаб, тушлик қилишади, сўнг уйига қайтишади.

Бироқ, бу гал... Ҳаммаси қияликда содир бўлди. Момақалдироқ бошланганда улар манзилга етиб қолишганди. Яшин дарахтларга урилар, кўча шох-шаббаларга тўлган, ёмғир ёққан асфальтда яшин акс этарди. Яшин чақнашлардан бири шундай яқинда ва кучли бўлдики, рулни бошқариб бораётган Волжаниннинг бир сония кўз унги қоронғилашди. Халокат содир бўлишига оз қолди. Машина йўлдан чиқиб кетиб, унинг ўнг орқа эшиги йўғон қайин дарахтига келиб урилди. Олдинда ўтирган Волжанин ва Сигалев енгил қўрқув билан қутилдилар.

Лекин орқада ўтирган муҳандис-конструктор Семен Яковлевич Эльбман жиддий жароҳат олди. Ён томондаги ойна парчалари чеккасини кесиб юборган, бундан ташқари, мияси ҳам лат еган кўринарди. Дўстлари Эльбманни машинадан тортиб чиқаришганда унинг оёқлари шалвираб, ўзини тутиб туролмасди.

Нима қилиш керак? Энг яқин станциягача бир неча ўн километр. Жароҳатланган одам билан бу масофани босиб ўтиш осон эмас. Шоҳ кўчада, аксига олиб, бирор бир машина кўринмайди. Шу пайт Сигалев бир мунча наридаги ёруғликни кўриб қолди. У дераза ойналарини ёритиб турарди.

Дўстлар машинани ташлаб, Эльбманни икки ёндан қўлтиқлаб олганча уй томонга қараб юришди. Тақиллатишган эди, эшикни кампир очди. Ҳеч нима сўраб-суриштирмай, лом-лим ҳам демай ёмғирдан ивиган ва бахти юришмаган баликчиларни уйга бошлади.

«Буни ҳозир ғира-шира эслайман, — деб ёзади А. Волжанин. — Ажаб, биз бу ердан бир неча бор ўтганимизда кўринмаган уй, бу ерда қаердан пайдо бўлиб қолди? Аммо ўша дам мисоли сеҳрланиб қолгандек ҳеч нимага таажжубланмас эдик... Хонани шам ёритарди...

Эҳтимол, электр симини момоқалдироқ узиб юборгандир. Ғалати соҳиба бир оғиз ҳам гап қотмади. Эҳтимол, у кар-соқовдир!

Аёл қайноқ шўрва билан сийлади. Эльбманнинг юзини қандайдир қайнатма билан ювди, компресс қилди. Улар толиқиб полга солинган жойга ётишди ва қаттиқ уйқуга кетишди. Уйғониб қарашсаки... очиқ ҳавода ётишибди...

— Бу қандайдир туш бўлгандир, — эътироф этишди дўстлар.— Меҳмондўст уй ғойиб бўлган. Унинг ўрнида гранит тошлардан тикланган, дераза ўринлари бўш ярим вайрона деворлар турарди. Биз вайронани синчиклаб текшириб чиқдик, афтидан бу дарёча устига қурилган эски сув тегирмони бўлган. Унинг мавжудлигида ҳеч қандай сир йўқ. У финлардан қолган. Улар фин урушидан кейин Карелия бўйидан кўчиб кетишган. У ерда бунга ўхшаш харобалар оз эмас. Бироқ, биз тунаб қолган уй қаерга ғойиб бўлди? Ухлаб ётганимизда бизни бошқа жойга кўчиришгани йўқдир? Яқин ўртада ҳеч қандай уй йўқ. Биз кейинчалик бу жойнинг бўйи ва эни бўйлаб кезиб чиқдик. Ҳеч вақо йўқ. Яна бир таажжубланадиган томони бор — Семен Яковлевич чеккасидаги жароҳатлардан тим қора чизиқ қолган. У ҳам тезда оқарди ва йўқ бўлиб кетди.

— Шубҳаланманг, — деб ёзади муҳандис Волжанин. — Бу воқеа — чин ҳақиқат. Машинамизни шатакка олишга ёрдам берган маҳаллий ДАН ходимларидан сўраб-текшириб кўришингиз мумкин. Улар 1982 йили ҳам айни мана шу жойда ҳалокатга учраган икки кишининг бошидан шунга ўхшаш воқеа кечганлигини айтишди. Ўшанда улар ҳам қандайдир сеҳрланган тегирмонда тунаб қолганлигини сўзлаб беришган.

— Ўзи нима бўлди? — деб сўрашарди ҳаваскор балиқчилар. — Эҳтимол, биз бошқа маконда ёки бу ерда одамлар урушгача истиқомат қилган ўтмишда бўлдикми? Ёки буларнинг ҳаммаси хаёлдан ўтдими?

«Феномен» комиссияси ҳужжатларида, аномал ҳодисаларни таҳлил этиш ва тадқиқ қилиш билан шуғулланувчи бошқа гуруҳларнинг ҳам ҳужжатхоналарида бунга ўхшаш воқеа-ҳодисалар кўплаб қайд этилган.

1973 йил. «Уилтшир ўлкасининг руҳлари ва ривоятлари» китобида қуйидаги факт келтирилади: Эдна Хэжис деган кимса Суиндон чеккасида (Англия) велосипедда Эрмайн-стритда (Рим йўлида) борарди. Момоқалдироқ бошланиб қолади. Эдна велосипеддан тушади ва йўл чеккасидаги уйни кўриб, ўша ерда панада туришга қарор қилади. Уйда қария яшарди, у Эднага уйга киришга ижозат беради, аммо бир оғиз ҳам сўз айтмайди.... Кейин Эдна яна велосипедда йўлда кетаётганлигини сезади. Қиз уйни қачон ва қандай шароитда тарк этганлигини ҳар қанча уринмасин эслай олмайди. Кейинчалик маълум бўлдики, у ерда бундай уй бўлмаган...

Бу воқеалар вақт билан ўзга дунёга «эшиклар» очилиши, бирлаштириши, алабатта, жозибалидир. Бироқ... мутахассис-руҳиятчиларнинг фикрича, гап мутлақо бошқа ёқда. Рўё ўнгда эмас, балки фикран қабул қилинади — гипноз миянинг карахт ҳолга тушиб қолиши орқали содир этилади. Киши миясининг карахт бўлиши ҳатто гипнозчининг иштирокисиз ўз-ўзидан бир маромда йўл босиш ёки яшин чақнаши таъсирида ҳам юз беради. А. Волжанин, шунингдек, бошқалар билан бўлган ҳодисаларни эслаб кўринг, тажрибалар шуни кўрсатмоқдаки, киши миясининг карахт бўлганида ҳис қилганлари ёрқинлиги ва кўлами жиҳатдан воқеаликдагидан ҳеч фарқ қилмайди. Одам аъзосининг ҳиссиётлари, мияни бошқараётган хаёлиётлари манзаранинг кўринишларини шундай намоён этадики, кейин уларни ҳақиқий хотиралардан ажратиб олиш қийин бўлади.

Тиббиёт фанлари доктори В. Файвишевский шунга ўхшаш ҳодисаларни таҳлил этиб, миянинг карахтлилик ҳолатидан чиқиш пайтида кўпинча вегетатив издан чиқиш - бош айланиши, ҳаракатларнинг мувозанати бироз бузилиши, киши гипноз ҳолатидаги воқеликка ўтишини кўпинча эслай олмаслигига эътиборни қаратади. Буларнинг барчаси гувоҳларнинг хотираларда мавжудлиги, улар шу билан билвосита ўзларининг саргузаштлари ўнгда эмас, «миянинг ўзгариши» ҳолатида содир бўлишини тасдиқламоқдалар.

Жон Свэйн ва унинг рафиқаси Кристина жин кўлни излаб юз чақирим йўл босади. Бу сўнгги ўн етти йилдаги эллигинчи саёҳат бўлган.

Мистер Свэйн,унинг рафиқаси ва ўғиллари сирли кўл мавжудлигини биладилар, чунки бир куни уни ўз кўзлари билан кўришган. Улар у пайтда меҳнат таътилида эдилар ва тасодифан Хэмпшир графлигидаги Бьюли аббатлиги (католиклар монастри ва унга қарашли жой-мулк) олдидаги кўлдан чиқиб қолишади. Қирғоқдан эллик қадам нарида юмалоқ катта тош устида шамшир дастаси осилиб турарди. Ўшанда улар буни қирол Артурга ўрнатилган ўзига хос ҳайкал бўлса керак, деб ўйлашган. Ҳайкалнинг чиройлилиги уларни мафтун этади.

Мана, ўн етти йилдирки, улар мунтазам ўша жойга боришади, «ўз» кўлини яна бир бор кўриш умиди уларни тарк этмайди. Мистер Свэйн шундай дейди: «Ишончим комил, биз нималики кўрган бўлсак, у воқелик эди, лекин баъзан ҳаммамиз ақлдан озиб қолмадикми, деб ўйлаб қоламан!»

Ҳар ҳолда Свэйнлар кўл сирини очмагунларича изланишда давом этажакларини изҳор этмоқдалар...

Нима ҳам дердик, биз Свэйнларга ва уларга ўхшаганларга омад тилаймиз. Нуфузли мутахассислар буларнинг барчаси тасаввурнинг ўйини, инсон онгида юзага келган рўё, деб айтишаверсин. Ҳар бир кишининг ҳаётида бир маротаба бўлса ҳам шундай «кўли» бўлаверсин. Умид узмаганлар самимий тасаннога лойиқдир. Айни мана шундай инкор этилган фактлардан кўпгина улуғ кашфиётлар юзага келган.

**Игорь ЦАРЕВ,**
**(«Труд» газетаси, 1995 йил).**

*КЕЛГУСИ СОНДА:*

● Минг ойининг юзини кўрган.

● Ёвқур соҳибжамол.

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи Зайниддин МАМАДАЛИЕВ

Туркистон — TURKISTAN

Таъсис этувчи: ЎЗБЕКИСТОН ЁШЛАР ИТТИФОҚИ МАРКАЗИЙ ҚЎМИТАСИ

ТАҲРИРИЯТ: Қабулхона — 36-56-58; хатлар бўлими — 36-54-65; тижорат бўлими 33-79-69, 36-58-48; ижодкор ёшлар 36-57-52; котибият — 36-55-96.

МАНЗИЛИМИЗ: 700083 Тошкент Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

Газетамиз ҳафтанинг чоршанба кунлари чиқади. Қўлёзмалар ҳамда суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил этилмайди.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 00012
«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси

Буюртма Г. —— 0498
Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41

22006 нусхада босилди, ҳажми —— 2 табоқ.
Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.

Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-2
Босишга топшириш вақти ——21.00

1 2 3 4 5 6